

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТ ВА ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ҲОЛАТЛАРИНИ
БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ СОҒЛОМ
ТУРМУШ ТАРЗИ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ**

Исмаилова Севара Рустамовна

Калим сўзлар: гипогликемия, гипергликемия, полиурия, полифагия, полидипсия, глюкозурия.

Мамлакатимизда ўрта тиббиёт ходимларини малакасини ошириш тиббиёт муассасаларида ҳамширалик ишини ҳалқаро андозаларга мос тарзда ташкил этиш борасида замонавий тизим яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 102-сон 2022 йил 26 январдаги “Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 8 июнданги 08-16142-сон кўрсатма хати ва 2020 йил 15 июнданги 160-сонли “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий хужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисидаги” буйруғи ижросини таъминлаш учун ишлар олиб борилмоқда.

Аҳолига кўрсатилиётган эндокринологик ёрдамнинг самарали, замонавий тизимини шакллантириш, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикасини такомиллаштириш, аҳолига юқори малакали эндокринология ёрдамини кўрсатиш сифатини ҳамда ушбу йўналишдаги тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш. Бирламчи тиббий санитария муассасаларида фаолият олиб бораётган ўрта тиббиёт ходимларини ҳар томонлама етук ва малакавий билим ва қўникмаларга эга бўлишларига эришиш, улар фаолиятини янада ривожлантириш, янги назарий билимларни

амалий кўникмалар орқали мустаҳкамлаш ва чуқур билимларни эгаллашга қаратилган.

Мавзунинг долзарблиги амалий тиббий ёрдамнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, амалдаги стандарт ва баённомалар, далилларга асосланган тиббиёт тамойилларида касалликлар диагностикаси, замонавий даволаш ва профилактика чораларини қўллаш, ҳамда замонавий илм-фан ютуқларига мувофиқлиги, тиббиёт фани ва амалиётидаги мавжуд вазият ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятини ошириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни тарғиб этиш, қандли диабетнинг яширин ва клиник жихатдан аниқ шаклларини эрта аниқлаш, аниқланган эндокрин касалликларини эрта “Д” назоратига олиш ва асоратларини олдини олиш бўйича тавсиялар берилади. Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда инновацион технологияларни кенг тадбиқ этиб, беморлар ва уларнинг оила аъзоларига эндокрин касалликларни бошқариш усулларини ҳамда касаллик билан яшашни ўргатиш, эндокрин касаллиги бўлган умумий ҳолати қониқарли ёки хавф гурухидаги аҳолини эрта аниқлаш ва дифференциаллашган ёндошув асосида кузатиб бориш тавсия қилинади. Қандли диабет касаллигини клиник белгиларини (полидипсия, полифагия, полиурия, глюкозурия) ва турларини билиш. Қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш ва мақсадли скрининг текширувларни ўтказишида патронаж ҳамширасининг ўрни. Қандли диабет билан оғриган bemorga ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларини ўргатиб борилади. Қандли диабетда оёқлар учун тавсия қилинадиган машқлар ва диабетик тўпик парвариши, уй шароитида нон бирлиги, қондаги қанд микдори ва ёндош касалликларини ҳисобга олган ҳолда инсулин дозасини коррекциялаш.

Беморларга ва уларнинг оила аъзоларига глюкометр, тест-япроқчалари билан қондаги қанд микдорини аниқлаш, инсулин инъекциясини қилишни ўргатиш, уюшган (МТМ, мактаб, лицей, коллеж) ва уюшмаган болаларда

эндокрин касаликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг тадбирларини ўтказиш (йод танқислиги ҳолатлари, ортиқча вазн, пастбўйлик, жинсий ривожланишнинг бузилиши ва бошқалар).

Қандли диабетнинг ўткир (эрта) асоратлари: гипогликемик ва гипергликемик комалар. Қандли диабетнинг сурункали (кечки) асоратлари, сабаблари, турлари, профилактикаси ва ёрдам кўрсатилади.

Ҳомиладорлар ва болаларда қандли диабет касаллигининг кечиш хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади. Беморларда пархез таомларни тайёрлаш ва парваришлиш бўйича маслаҳат бериш, аҳоли орасида эндокрин касалликлари бўйича хавф гурухига кирувчи bemorларни устидан доимий кузатув ўрнатиш, йод танқислиги касалликларининг самарали профилактикасини таъминлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Беморларга пархез таомларни тайёрлаш ва ўз-ўзини парваришлиш бўйича маслаҳатлар бериб борилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. А.Г.Гадаев “Умумий амалиёт ҳамширлари учун амалий кўникмалар тўплами” Тошкент 2010 йил.
2. Т.Ю.Арипов “Клиническое руководство по диагностике, лечению и профилактике сахарного диабета у взрослых в первичном звене здравоохранения” Ташкент, 2013г
3. Каримов Ш. И “Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони ” Тошкент.
4. М.Ф.Зияева “Болаларда ҳамширалик парвариши” Тошкент 2012 йил.
5. К.Л. Шогулямова “Педиатрия” Тошкент 2015 йил.
6. Х.С.Ахмедов “Асосий юқумсиз касалликлар бўйича клиникпротоколлар” Тошкент 2017йил.
7. У.Б.Эргашева “Ҳомиладорлик даврида қандли диабет профилактикаси ва ҳамширалик парваришини олиб бориш” ўқув-услубий қўлланма.Тошкент 2019 йил.